

Сиёсий-маърифат соати | Куннинг энг муҳим ва долзарб мавзулари хақида



Давлат фуқаролик хизматчиларининг сиёсий, маърифий ва маънавий билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириб бориш мақсадида ташкил этиб келинаётган “Сиёсий-маърифат соати” ўқув машғулотининг навбатдаги онлайн машғулотлари бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотларини туман ҳокимлиги кичик мажлислар залидан сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, туман ҳокимлиги аппарати ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари онлайн кузатиб боришди.

Бугунги ўқувда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий соҳаларини ривожлантириш стратегияси, ҳуқуқий саводхонлик, “Бир чимдим” маънавият, шунингдек, Ўзбекистон ва хориждаги муҳим жараёнлар хақида маълумот берилди.



